

Бир таҳорат билан хуфтон ва бомдод



08:00 / 26.01.2021 4102

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ансорий айтади: «Таймий ўз замонининг оддий одами эди. У хуфтон билан бомдод намозини битта таҳорат билан ўқир, қачон вақти бўлса, намоз ўқийверарди. Аср намозидан кейин шом намозигача тасбеҳ айтар, доим рўза тутиб юрар эди. Бир ҳайит куни намоздан кейин ҳамма уй-уйига тарқалди. Кеч киргач, яна масжидга келишса, бир киши юзига ниқоб тўсиб олиб, намозда турган экан. Қарашса, Сулаймон Таймий экан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан